



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 8 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (12.530)

Баҳоси эркин нархда

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» мавзусида республика кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ёш тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.



ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар Дастури доирасида Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳудудий ва республика босқичларидан иборат мазкур кўргазма мамлакатимиз ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларининг намунали тажриба ва ютуқларини оммалаштириш, ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қизиқишини қучайтириш, уларнинг ташаббускорлик, бунёдкорлик ва ижодий фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилади. Кўргазманинг ҳудудий босқичлари жорий йилнинг апрель ойидан сентябрь ойигача давом этиб, уларда 650 дан ортиқ ёш иштирок этди. Фаолияти энг намунали деб топилган 35 ёшгача бўлган 140 нафар тадбиркор, ҳунарманд ва фермер республика босқичига йўлланма олди. Кўргазмалар давомиди 7 мингдан ортиқ аҳоли, асосан ёшлар ёш уста ва тадбиркорларнинг маҳсулотлари билан танишди.

Кўргазманинг республика босқичи очилишида «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Республика «Ҳунар-

манд» уюшмаси раиси М.Қурбонов, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раисининг ўринбосари Т.Бозоров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида яратилган кенг шaroитлар туфайли кўпгина йигит-қизлар ўз ишларини йўлга қўйиб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётгани ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, улар миллий ва хорижий кўргазма, кўрик-танловларда мунтазам ва муваффақиятли иштирок этиб, ўз меҳнатсеварлиги, ижодий салоҳияти билан жамоатчилик эътиборини қозонмоқда, тенгқурлари учун ибрат бўлаётди.

Эътиборлиси, мазкур кўргазма аввалгиларидан иштирокчилар сони, маҳсулотлар сифати ва хизматлар турининг кенглиги, янги тадбиркорлик йўналишлари билан ажралиб туради. Жумладан, кўргазма иштирокчилари орасида нафақат тадбиркорлар, балки қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган қишлоқ соҳибдорларини ҳам кўриш мумкин. Халқ ҳунармандлари ўз маҳсулотлари билан кўпқилли меҳмонлар эътиборини тортимоқда. Кўргазманинг алоҳида стендлари янги лойиҳа ва хизмат турларини намойиш этаётган молия-банк муассасалари, консалтинг марказлари ва жамоат ташкилотларига бағишланган.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Андижон вилояти Шаҳрихон туманидан келган ёш ҳунарманд Саидхон Алиқўжаев пичоқчи усталар сулоласининг саккинчи авлоди вакили. Уста оила аъзолари билан биргаликда аждодларимизнинг кўп асрлик анъаналарини давом эттириб, нафақат оддий пичоқ, балки чинакам санъат асарлари яратмоқда.

— Қадим касблардан бири бўлмиш пичоқчилик ҳунари вакили бўлганимдан ва оиламиз ишини давом эттираётганимдан фخرланаман, — дейди С.Алиқўжаев. — Пичоқ ясаб маҳорати кўп йиллик астойдил меҳнат билан орттирилади, юқори эътибор ва диққатни талаб этади. Кўргазмада биринчи бор иштирок этишим. Ўз ишларимни намойиш этиш имкониятини пайдо бўлганидан хурсандман.

Бухоро вилоятида болалар, эркаклар ва ёшлар кийимини ишлаб чиқараётган «Borda Iyuke tarketi» хусусий корхонаси маҳсулотлари билан танишаётганлар кўп. Кўркам, ҳушбичим, давр талабларига жавоб берадиган ташкил этиш учун яратилган импорт маҳсулотларидан қолишмайди, нархи ҳам нисбатан арзон. Корхона директори Исам Омоновнинг айтишича, ўтган йили у мамлакатимизда хусусий корхона ташкил этиш учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланишга қарор қилган. «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банкидан кредит олиб, ёш тадбиркор замона-

вий жиҳозларни харид қилди ва маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, ўндан ортиқ фуқарони иш билан таъминлади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган кийимларга талаб катта. Корхона маҳсулотини экспорт қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Кўргазманинг яна бир эътиборли жиҳати, ҳам ёш тадбиркорлар, ҳам ўз бизнесини энди йўлга қўяётган ёки ўз ишини очини истаётган иштирокчилар учун фойдаланишга ўқув-семинарлари ташкил этилаётганидир. Бу тадбирларда тадбиркорлар учун жорий этилган имтиёз ва енгилликлар, уларни қўллаб-қувватлашга доир лойиҳалар, тадбиркорлик фаолияти давомидида юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш бўйича маълумот ва тавсиялар берилмоқда. Бундан ташқари, ўз ишида муваффақиятга эришган ёш тадбиркорлар маҳорат сабоқлари ўтказиб, ўз тажрибаси ва қimmatли амалий маслаҳатлари билан ўртоқлашмоқда.

Икки кунлик кўргазма якунида «Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори», «Йилнинг энг намунали ёш фермери», «Йилнинг энг намунали ёш ҳунарманди» йўналишларида ғолиблар аниқланиб, диплом ва қimmatли совғалар билан тақдирланди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимизда экологик ноқулай ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлар иштирок этди.

«Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Н.Умаров, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К.Содиқов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, глобал экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини камайтириш ва барқарор ривожланишга эришиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда табиатга антропоген таъсирларнинг олдини олиш, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг уйғун ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришда экологик жиҳатдан соф ривожланиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрда қабул қилинган «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қароридан белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани табиий муҳит мусаффолигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда йирик sanoat корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, оқова сув иншоотларини барпо этиш ва мавжудларини таъмирлаш,

чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, экологик ноқулай ҳудудларда атроф-муҳитни барқарорлаштириш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўрмонлар ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш, биологик хилма-хилликни асраш бўйича лойиҳалар қўламли йилдан-йилга кенгаймоқда. Бундай чора-тадбирлар натижасида табиатга ташланаётган чиқиндилар миқдори камайиб, экологик муҳит яхшиланишга эришиляптир.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, табиий муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини тобора такомиллаштириш бугунги кунда долзарб вазифалардандир. Шу мақсадда ишлаб чиқилган «Фавқулодда экологик ҳолат ва экологик талафот зоналари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик талафот ҳудудларида истикомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш бўйича муносабатларни янада тўлароқ тартибга солишга қаратилган.

Давра суҳбатда фавқулодда экологик вазият ва экологик талафот зоналарини аниқлаш механизмлари, бу жараёнда давлат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки масалалари юзасидан фикр алмашилди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

БАВАРИЯДА ТАҚДИМОТ

Яқинда Баварияда Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятини тақдироти бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Германиядаги дипломатия миссияси томонидан «Silk Road Company» Бавария жамоат бирлашмаси ва Берлиндаги «ATRO Reisebüro» сайёҳлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Бавариядаги Мюнхен, Хальбергсдорф ва бошқа шаҳарларнинг расмий, илмий-академик, маданий, жамоатчилик доиралари ҳамда немиш оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Тақдимот Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий баҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларга доир атрофчи маълумотларни тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилиш билан бошланди.

«Silk Road Company» Бавария жамоат бирлашмаси директори Герхард Биркльнинг мамлакатимиз замонавий тараққиёти ва бой сайёҳлик имкониятлари, ўзбек халқининг тарихий-маданий, меросини қайта тиклаш ва авайлаб-асраш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар мавзусига бағишланган мультимедия воситасидаги тақдироти ҳам катта қизиқиш билан қутуб олинди.

Г.Биркль ўз чиқишида Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлар асраб-авайлашишга содиқ мамлакат эканлигини қайд этар экан, мамлакатимизда миллий анъаналар ва замонавий маданият ўзаро уйғун ҳолда амал қилаётганига алоҳида ургу берди. «Ёш мустақил республика ўзининг очиклиги ва саховатга тўла меҳмондўстлиги билан ажралиб турадики, бу аjoyиб мамлакатда лоақал бир мартаги-на бўлган ҳар бир киши бизнинг фикримизни тасдиқлаши мумкин», деди у.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари

етакчилари «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида республика форуми ўз ишини бошлади. Форум 10 ноябрга қадар давом этади.

✓ **БУГУН** «18-автобус саройи»да «Ободлик — кўнгил мулки» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** фармацевтика

институтда «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Андижонда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотларининг маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолияти юзасидан жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

• Қизилтепа туманидаги «Илҳомжон келажаги» фермер хўжалиги жамоаси ўз фаолиятини кенгайтириб, нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди. Бизнес лойиҳани амалга ошириш учун Чехиянинг «Rivent» фирмасидан 123 минг АҚШ долларлик илғор ускуналар келтирилди. Қўшимча жиҳозлар харид қилиш учун тижорат банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. Ҳозир бу ерда кунга 3 тоннагача ун қайта ишланиб, 60 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

• Самарқанд вилояти матбуот уйида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармаси раҳбарлари, тижорат банклари бошқаруви раислари ва ўринбосарлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Матбуот анжуманида банklar мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

ЖАҲОНДА

• Индонезиянинг Суматра оролида Синабунг вулкони яна фаоллашгани туфайли мазкур ҳудудда яшовчи 1300 нафардан ортиқ одам бошқа жойга кўчирилди. Жорий йилнинг сентябрь ойида ҳам шундай жараён кузатилган ва ўшанда ўн беш минг киши уйини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлганди.

• Хитойнинг Хэнань музофоти маъмурий маркази — Чжэнчжоу шаҳридаги кўп қаватли уйлardan бирида ёнган содир бўлди. Оқибатда саккиз киши ҳаётдан кўз юмган, яна ўн нафар одам тан жараҳати олган. Хабар қилинишича, ёнган дастлаб беш қаватли бинонинг биринчи қаватида пайдо бўлган.

• Жаҳон метеорология ташкилоти атмосферанинг 2012 йилдаги ҳолати бўйича ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, сўнгги йилларда ҳавода атроф-муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи моддалар миқдори сезиларли даражада ошган. Жумладан, карбонат ангидрид гази ҳажми sanoat даври бошланган 1750 йилдан буён 41, ис гази 1990 йилдан кейинги ўтган вақт мобайнида 32, метан 160 ва азот оксиди 20 фоизга кўпайган.

БАВАРИЯДА ТАҚДИМОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Германиянинг таниқли ёш ҳушовоз хонандаси Эльза Кодеда ижросида намоиш этилган, Марказий Осиё халқлари маданиятининг ранг-баранглигини ўзида мужассам этган концерт дастури тadbир-га алоҳида шуқуқ бағишлади. Шунингдек, тақдимот доирасида ташкил этилган Ўзбекистон маданияти ва сайёҳлик салоҳияти мавзусидаги суратлар кўргазмаси ҳам унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир интиҳосида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири тақдимотнинг айрим ташкилотчи ва меҳмонлари билан мулоқотда бўлди.

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ушбу тақдимот жуда қизиқarli ва маълумотларга бой бўлди, — деди **Баварияда истикомат қилувчи Этта Шенеман**. — Мен мамлакатингизда бундан 15 йил аввал бўлган эдим. Бугун республиканинг шаҳар ва қишлоқлари мутлақо янги-ча қиёфа касб этганини кўрдим. Бу эса мамлакатда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганидан далолат беради. Эришилган муваффақиятлар сайёҳликни ривожлантиришга ҳамда мамлакатга келадиган хорижлик сайёҳлар оқими оширишга кўмаклашиши аниқ. Бўлиб ўтган тақдимот Ўзбекистон ҳақидаги хотираларини янгилади ва бойитди. Келгуси йили гўзал мамлакатингиз бўйлаб яна саёхатга чиқишни режалаштирганман.

Бавариялик фаол жамоатчи Эрика Тибель 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонга борганини эсга олар экан, юртимизда кадрлар тайёрлаш ва чет тилларни, жумладан, немис тилини ўргатишга қаратилган эътиборга катта баҳо берди.

— Мамлакатингизда ҳар томонлама ривожланган ва соғлом ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган сояқат хурмат-эътиборга лойиқдир, — деди у. — Чунки Ўзбекистон қадим-қадимдан илм-фан, ма-

даният ва цивилизациялар бешиги бўлиб келгани бежиз эмас. Юртингиз улкан сайёҳлик ва сармоявий салоҳиятига ҳам эгадир. Яна шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон табиий ресурсларидан фойдаланиш ва экспорт қилиш билан чегараланиб қолмасдан, ўз иқтисодиётини изчил диверсификацияламоқда. Мамлакатингиз пойтахти ва бошқа шаҳарларидаги ўзгаришлар, қишлоқ жойлардаги уй-жой қурилиши кўламли катта эътиборга моликдир.

Тақдимотнинг асосий ташкилотчиларидан бири, «Silk Road Company» жамоат бирлашмаси директори Герхард Биркль ўзининг мамлакатимиз бўйлаб сафарлари чоғида ўзбек халқининг маданияти ва анъаналари нақадар ноёб эканлигига шахсан гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатингизда улкан ва унутилмас таассуротлар ортирдим, — деди у. — Шу боис қалбимда ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ва меҳмондўстлигини Ўзбекистоннинг Германиялик иҳлосмандларига етказиш истаги турган эди.

Кези келганда таъкидлашим ўринли бўладики, 2011 йилдан бери «Uzbekistan News» деб номланган махсус электрон безалиқ брошюрани кўп сонли ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилиб келмоқдам. Бу нашр маданият, таълим ва иқтисодиёт соҳаларидаги ҳамкорлик воситасида икки мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасидаги муносабатларни мустақамлашга ҳисса қўишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бугун тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола этган тақдимотимдан кўзлаган мақсадим эса бавариялик сайёҳлик ишқибозларини Ўзбекистоннинг ноёб сайёҳлик салоҳияти билан яна бир бор таништириш ҳамда уларни мамлакатингиз бўйлаб саёхатга даъват этиш билан изоҳланади.

«Жаҳон» АА
Берлин



«Тошкент» аэропортидаги маҳаллий авиалинияларнинг янги аэровокзали.
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Кўни кеча Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳи аъзолари, туман ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Унда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуни амалга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган сайловни юқори савияда ўтказиш, жойларда Қонун устуворлигини таъминлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Жумладан, шаҳар кўмаклашувчи комиссияси Республика ва туман кўмаклашувчи комиссиялари билан ҳамкорликда туманларда маҳалла фаоллари ҳамда туман ишчи гуруҳлари аъзолари иштирокида кенгайтирилган йиғилишлар, семинарлар, учрашулар ўтказилди. Шаҳар комиссиясининг белгиланган режасига мувофиқ бу каби тадбирлар барча туманлар кесимида ўтказилди.

Дарҳақиқат жойларда маҳалла раиси ва маслаҳатчилари сайловига бўлган эътибор ортиб бораётганлиги қувонarli ҳол. Йиғилишда тайёргарлик жараёнида қонун талабларига қатъий амал қилишни, демократик тамойилларга тўлиқ риоя этилиши, номзодлар муқобил асосда кўрсатилиши ҳамда сайловга

тайёргарлик ва уни ўтказиш давомида жойларда туртилган ишчи гуруҳларининг аъзолари, ҳуқуқшуносларнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидлаб ўтилди. Бўлажак сайлов натижаларига кўра пойтахтдаги 475 та маҳалла раислари ҳамда 5 мингдан ортиқ маслаҳатчилар муқобиллик асосда сайланиши лозим.

Шунингдек, комиссия йиғилишида Юнусов, Мирзо Улугбек ва Шайхонтоҳур туманларида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича олиб бораётган ишлар таҳлил этилди.

Шу билан бир қаторда, шаҳар кўмаклашувчи комиссиясига фуқароларнинг сайловга оид масалалар бўйича мунозабатлари ва аризалари ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар комиссияси раиси С. Бобоқулов, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари, комиссия аъзоси Н.Насимов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини раис раҳбари, комиссия аъзоси Д.Аюпов, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси Э.Ақбаров, ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Бердибековлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунига кўра, қўрилган масалалар юзасидан кўмаклашувчи комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

ли шароитларда, ҳатто сув ости ва фазода ҳам ишлаш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради. Бу борада қуёш энергияси, радиоизотоп манбаи, биогаз ёки оддий ёқилғи иссиқлик манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, 5 кВт электр қувватига эга стирлинг двигатели иситиш ва майиш эҳтиёжлар учун қарийб 20 кВт иссиқлик ишлаб чиқариши мумкин. Аксарият давлатларда ушбу қурилмаларга катта қизиқиш билдирилмоқда.

Институт олимлари ишлаб чиққан сувни қуёш ёрдамида қучуқлаштириш мосламаси, айниқса, қишлоқ жойларда кенг қўлланилаётди. Ушбу мослама кунига 100 литргача қучуқ сув олиш имконини беради.

Шу билан бирга, қўчалар ва майдонларни ёритадиган фотоэлектр станциялар ва тизимлар кундузги ёруғлик имкониятларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Улар истеъмолчиларни доимий ва ўзгарувчан қулнишига эга электр энергияси билан таъминлаш учун мўлжалланган.

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари фермер хўжаликлари учун махсус ишлаб чиққан қудуқдан сув олиш фотоэлектр қурилмаси бир кунда 60 кубметр сув олиш имконига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти илмий котиби Институт Саидхоновнинг айтишича, айни пайтда Институт жамоаси учун инновация, 10 илмий-техника, 7 фундаментал ва битта ёшлар лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши муқобил энергия манбалари салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 мартда имзоланган Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ, Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти мамлакатимизда муқобил энергия манбалари соҳасини ривожлантиришнинг мантикий давоми бўлди. Мазкур илмий даргоҳ қуёш энергиясидан саноат қўламинида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга оширади, илгор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Қарор ва ижро

ФИРМА НОМИ:

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Танишларимдан бири тадбиркорликка қўл уриб, оцаётган янги корхонасига ном қўйишга келганда анча ўйланиб қолди. Бошқаларга маслаҳат солди. Турли хил фикрлар билдирилди. Айниқса, тилшунос дўстимизнинг сўзлари тадбиркорни ҳушёр торттирди: «Корхона номи — жамоанинг, маҳсулотнинг юзи ҳисобланади. Шу боис ном танлаганда фарзандингизга исм қўйгандек, маъноси ва жарангдорлигига эътибор қаратинг».

Дарҳақиқат, ўз бизнесини бошлаётганлар учун корхонасига ном қўйиш — масъулиятли вазифа. Айни пайтда мамлакатимизда 300 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти борлигини ҳисобга олсак, бир-бирини такрорламайдиган, янги номларни топиш ҳам осон эмас, албатта.

Фирмаларга ном қўйиш жараёнини енгиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига мос бўлишини таъминлаш мақсадида номлар заҳирасини яратиш ишининг йўлга қўйилгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 12 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Қарорга кўра, тадбиркорларга кўмаклашиш мақсадида интернет тармоғида фирма номларининг заҳира базаси яратилди. Электрон заҳирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда. 2013 йил 1 октябргача мазкур қўмита томонидан 137 мингдан ортиқ фирма номи заҳирага олингани иш фаолиятини бошлаётган тадбиркорлик субъектлари учун улкан қулайликдир. Жорий йилнинг ўтган даврида очилган 30 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектининг номи барча талабларга бемалол жавоб бера олади.

Бундан ўн йиллар аввал фирма номи тўғрисидаги маълумотномани олиш истагидаги тадбиркорлар бевосита давлат статистика органларига келиб, ариза ёзган, масала уч йил кундида кўриб чиқилар эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Статистика регистрларини юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Ойбек Раҳимов. — Соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани самарасида бугунги кунда фирма номини заҳирага олиш бор-йўғи 4 соат ичида амалга оширилмоқда. Ариза бериш, заҳирага қўйиш жараёнида, энг аввало, танланган фирма номининг тўғри ёзилиши, менталитетимизга мос бўлишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг иш юритиши анча такомиллашди: тажриба ошиб, ўзига хос маданият шаклланди. Тадбиркор энди ўз маҳсулотини ички ва ташқи бозорда қандай реклама қилишни яхши билади. Дунё билан бўйлашаётган тадбиркорларимиз ўз корхонасига қизиқarli, эсда қоладиган, эътиборни торттадиган фирма номларини танлашга интиломоқда.

Фаолияти юксалиб, экспортга маҳсулот чиқараётган фермер фирма маъқул фирма номи ёки чиройли савдо бренди танлаб, қайта рўйхатдан ўтиш ҳоллари ҳам кузатишмоқда. Бунинг қийин жойи йўқ. Таъсис ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилса, фирма ёки хўжалик ўзининг янги, замонавий номига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг юридик номи бошқа бўлса-да, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун алоҳида бренд — савдо белгиси танлаш имконияти ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонуни томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза қилинишида муҳим аҳамият касб этаётди.

Қадимда ҳам ҳўнармандларимиз ўз товарларига махсус тамгалар билан белги қўйишган. Харидор ана шу тамгалар туфайли ўзига таниш, юқори нуфузга эга устанинг маҳсулотини бошқалардан ажрата олган. Бугунги кунда товар белгиларидан дунёда кенг фойдаланилади. Товар белгиларидан маҳсулот ва хизмат тақдим этувчилар, яъни ишлаб чиқарувчилар, дистрибуторлар, чакана ва улгуржи савдо ҳодимлари, истеъмолчилар, давлат органлари бирдек манфаатдор.

Бугунги кунда тадбиркорлар товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигига тегишли талабнома тақдим этган, мазкур бренд қончилиққа мувофиқ муҳофаза қилинишига оид белгилар рўйхатдан ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, одат-ғилоқ меъёрларига мос келмайдиган, ўзида давлат герби, байроғи ва давлат муқофотлари суратини акс эттирувчи белгилар, давлатнинг расмий номи, халқаро ва ҳўкуматлараро ташкилотларнинг қисқартirilган ёки тўлиқ номлари, мамлакатимизда қўлланиладиган давлат хизматларининг фарқли ва тафовутли тасвирлари, бошқалардан фарқлаш қобилиятига эга бўлмаган белгилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Товар белгиси — буюмга қўйиладиган махсус белги ёки ўзига хос ўров шакли бўлиб, бир ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматларини бошқа ишлаб чиқарувчининг худди шундай товар ва хизматларидан фарқлашга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги ўқув маркази директори Феруза Эргашева. — Ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилган хизматларни маркировка қиладиган товар белгилари — ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини боғловчи муҳим бўғиндир. Бренд эгаси товар белгиси ёнига «®» ёки «™» кўрсатишдаги белгини қўйлагани — бу юртимизда рўйхатдан ўтказилганини билдиради.

Сайёра ШОЕВА

Сўнгги йилларда бутун дунёда ресурсларни, айниқса, энергияни тежаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу энергия истеъмоли уни ишлаб чиқаришдан кўра жадал суръатларда ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Шу муносабат билан энергия тежаш борасида юқори технологияли услублар, илгор илм-фан ютуқларига асосланган инновацион ва илмталаб технологияларни жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугун Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш масаласи самарали ҳал этилмоқда ва бу йўналишда салмоқли натижаларга эришилляпти. Мамлакатимиз бу борада улкан салоҳиятга эга. Негаки, юртимизда йилнинг 270 куну қуёшли бўлади ва бу энергия ишлаб чиқариш учун яхшигина имкониятдир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан кенг фой-

гич электрон қурилмалар яратилган. Техник кремний эса қуёш элементлари асоси бўлган тоза кремний олиш учун материал вазифасини ўтайди.

Илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун қуёш ва биогаз энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда ундан амалда фойдаланишда зарур бўладиган кўп тармоқли илмий-тажриба ва моҳоддий-техник база яратилган, гелиоэнергетика ва иссиқлик қурилмалари ишлаб чиқарадиган қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида қуёш энергиясини ярим ўтказадиган фотоўзгар-

ЎЗБЕКИСТОНДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

тиргичларни ишлаб чиқиш ва уларнинг назарий асосларини яратиш, қурама гелиотехник қурилмалар, мустақил таъминот манбаларини лойиҳалаштириш, юқори ҳароратли гелиоматериалшунослик, турли мақсадлар учун мўлжалланган биоэнергетика манбалари соҳасида илмий мактаблар шаклланди.

Фанлар Академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, гелиоматериалшунослик, асбобсозлик соҳаларидаги фундаментал тадқиқотлари ва илмий-техник ютуқлари, шунингдек, юқори малакали илмий кадрлари билан шўхрат қозонган. Ушбу илмий муассасада амалга оширилган тадқиқотлар натижалари мамлакатимиз иқтисодиётининг турли жабҳаларида кенг қўлланилаётди.

Масалан, бу ерда энергия таъминоти тизимлари учун стирлинг двигатели базасида ишлайдиган турли қувватга эга ноёб қурилмалар ишлаб чиқилган эътиборлидир. Бундан ташқари, ушбу қурилмалар бир пайтнинг ўзида алоҳида истеъмолчини электр энергияси, иссиқ сув билан таъминлаш ва ҳавони совиштиш учун мўлжалланган. Стирлинг двигатели истаган иссиқлик манбаи ёрдамида, шунингдек, тур-

Шунингдек, газли ва вакуум услубларида кристалл ҳамда кремний плёнкалари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини оптимлаштириш, ярим ўтказгич материал ҳамда приборларнинг электрофизик хусусиятларини назорат қилиш восита ва услубларини яратиш бўйича ижобий тажриба тўпланган. Мамлакатимизда қаттиқ жисм физикаси мутахассислари томонидан кварц бирикмаларидан техник кремний олиш учун қатор самарали технологиялар ҳамда бошқа ярим ўтказ-

ХФТЛИК ТЕЛЕКАНАЛЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Икким».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
7.20 Миллий сериал: «Умидинг-ни сундирама».
8.00 «Тахлинома».
8.40 «Шаҳар четидаги шифохона» Т/с.
9.30 «Истиклол фарзандлари».
9.45 «Саломатлик дастури».
10.00 «Робин Гуд» Т/с.
10.50 «Чаггинтоннинг қувноқ паровозчалари» М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
12.50 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
13.05 «Доктор Хаус» Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Худоят сари».
14.35 Миллий сериал: «Хаёт вальси» 2-фасл.
15.05 «Ифтихор».
15.10 «Халқ киноси: «Ойикон»».
16.30 «Тараққиёт дастури».
17.00 «Ахборот».
17.10 2013 йил – «Обод турмуш йили».
17.30 «Эркин фикр».
17.40 «Эрталар – яхшиликка етаклар».

14.40 «Ёшлик навалари».
15.00 «Хаёт-мамонт» Т/с.
15.50 «ЎзЕХ».
16.00 «Давр».
16.10 «Сехрли тош» Т/с.
16.40 «Кул ва гузал».
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Хамрози» Б/ф. 1-қисм.
18.50 «ЎзЕХ».
19.00 «Давр».
19.30 «Қириқча» Т/с.
20.20 «Ёшлик навалари».
20.40 «Конституция дарси».
20.50 «Эртаник болажонлар».
21.10 «Изола» Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Темир никобли одам» Б/ф.
00.40 «Ёшлик навалари».
1.00 «Kinoportal».
1.30 «Камолот-инфо».
1.40 «Инсон психологияси».
2.10 «Галактика».
3.00 «Давр».
3.30 «Афсона ва ҳақиқат».
4.20 «Муъжизавий дунё».
5.00 «Шарқ оҳанглари».
5.50 – 6.00 «Огоҳлик».

18.55 «Ўйларим».
19.00 Миллий сериал: «Махаллада шов-шув гап» 1-қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Телемаркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Менинг махаллам».
20.45 «Маърифат фидойилари».
21.00 Тошкент тароналари.
21.15 «Пойтахт йўлларида».
21.30 «Телемаркет».
21.50 «Қирол Сежонг» Т/с. 61-қисм.
22.30 «Пойтахт» /Рус тилида/.
22.50 Ретро фильм: «Уйга кетаман» Б/ф. /Рус тилида/.
00.35 Кўрсатувлар тартиби.
00.40 «Всё о туризме».
1.10 «Галапагос ороллари» Х/ф. /Рус тилида/.
1.55 «Сўзлар» Б/ф. /Рус тилида/.
3.40 «Ўйларим».
3.45 «Анонс».
3.50 Хинд киноси: «Қалбим сен билан» Б/ф. 1-қисм.
5.00 – 6.00 «Салом, Тошкент!».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»

3.30 АНОНС.
3.35 «Михаил Таль». Хужжатли фильм.
4.25 АНОНС.
4.30 – 5.50 Теннис. АТР чемпионати.

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 «Жить здорово!»
10.05 Модный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.50 «Время обеда!»
12.25 «Доброе утро»
13.00 Другие новости
13.30 Сериал «Домработница»
14.15, 17.45 «Истина где-то рядом»
14.30 «Самый лучший муж»
15.20 «В наше время»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00, 03.05 «Давай поженимся!»
19.00 «Путь героя»
20.00 «Время»
20.30 Сериал «Крик совы»
22.20 «Григорьевская головоломка»
00.00 Худ. фильм «По главной улице с оркестром»
01.30, 02.05 Худ. фильм «Яблоко раздора»

Россия

04.00 Утро России
08.45 «1000 мелочей». Ток-шоу
09.30 «Кулагин и партнеры»
